



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АЁЛЛАР
ТАДБИРКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Камолдинова Наргиза Анваровна -
Андижон машинасозлик институти
“Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a9

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, аёллар бандлиги бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг қарашлари, таклифлари атрофлича ўрганилди. Аёлларнинг бандлигини таъминлашдаги мавжуд муаммолар ўрганилди ва бу муаммоларни ҳал қилишда илмий асосланган хулоса ва таклифлар келтириб ўтилди.

Калит сўзлар: бандлик, оилавий тадбиркорлик, тадбиркорлик, аёллар дафтари, бизнес, меҳнат удумлари ва шароитлари, дастур, қишлоқ аёллари бандлиги, рақамли иқтисод, ижтимоий инфратузилма, касаначилик.

ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ ЖЕНСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В КОНТЕКСТЕ
ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

*Камолдинова Наргиза Анваровна -
Андижанский машиностроительный институт
Ассистент кафедры “Экономика”*

Аннотация. В данной статье досконально изучена поддержка женского предпринимательства в условиях цифровой экономики, мнения, предложения зарубежных и отечественных ученых по вопросам занятости женщин. Изучены существующие проблемы в сфере занятости женщин, и согласованы научно обоснованные выводы и предложения по решению этих проблем.

Ключевые слова: занятость, семейное предпринимательство, предпринимательство, женский блокнот, бизнес, трудовые практики и условия, программа, занятость сельских женщин, цифровая экономика, социальная инфраструктура, занятость на дому.

WAYS TO IMPROVE WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IN THE CONTEXT
OF THE DIGITAL ECONOMY

*Kamoldinova Nargiza Anvarovna -
Andijan Machine-building institute
Assistant of “Economic” department*

Annotation. This article thoroughly studied the support of women's entrepreneurship in the conditions of the digital economy, the views, proposals of foreign and domestic scientists on women's employment. Existing problems in the employment of women were studied, and scientifically based conclusions and proposals were agreed upon in solving these problems.

Keywords: employment, family entrepreneurship, entrepreneurship, women's notebook, business, work practices and conditions, program, rural women's employment, digital economy, social infrastructure, Home employment.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир маърузаларида бу масалага тўхталиб, уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидламоқда.

Шу жиҳатдан, ҳозир бу ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда жорий этилган “темир дафтар”лар сингари, ишсиз ёшлар бўйича алоҳида “Ёшлар дафтари”, ишсиз ва боқувчисиз хотин-қизлар бўйича эса “Аёллар дафтари” рўйхатлари шакллантириб, ҳар бири билан янги тизим, янги тартибда манзилли тарзда ишланмоқда.

Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-психологик мақомини ўрганиш, улардаги самарали тадбиркорликни таъминловчи шахсий хусусиятларининг ўзига хослигини тадқиқ этган ҳолда уларнинг фарзандларида ҳам тўғри иқтисодий тафаккур ва маданиятни тарбиялаш, келгуси авлодни иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга фаол муносабатини шакллантириш, ишбилармон, тадбиркорлик соҳасида билимдон қилиб вояга етказиш, шу билан бирга оилавий мақомларини ҳам йўқотмасликка ўргатишда амалий аҳамиятга эга. Тадбиркорликда муваффақиятли фаолият юритиш, хотин-қизларнинг бизнес соҳасидаги профессионал салоҳиятларини миллий урф-одатлар, маҳаллий меҳнат удумларини инobatга олган ҳолда ошириш, улардаги

профессионал қобилиятни ўстириш, зарур билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари учун махсус таълим лойиҳалари – дастурларни ишлаб чиқиш шу куннинг муҳим вазифаларидандир.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга йўналтирилган дастурлар доирасида сўнгги 3 йил давомида 600 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 15 триллион сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган[1]. 2021 йилда аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, маҳаллаларда ишсиз ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш, уларнинг ўз бизнесини ташкил этишига қўмаклашиш борасидаги тадбирларни тизимли равишда давом эттириш зарур.

Аёллар иш билан бандлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизми ўз хусусиятларига кўра аёл ишчи кучига талаб ва таклифни шакллантирувчи элементлар мажмуасидан иборат. Мазкур мажмуа жамиятни ривожлантириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий эҳтиёжлар жамланмаси бўлиб, аёлларнинг ижтимоий меҳнат соҳасида иштирок этишини таъминлаш мақсадида улар фаоллигини ошириш борасида ижтимоий механизм элементларининг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилиш яхши натижа беради. Бу механизм аёл ишчи кучига талаб ва таклиф нисбатларига муайян таъсир кўрсатувчи, уни мазмунан тўлдирувчи ижтимоий-иқтисодий шакллар ва омилларни ўз ичига олувчи элементлар мажмуасидир. Қишлоқ аёлларининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, ўзига хос тадқиқотни талаб қилади. Ушбу муаммони тадқиқ қилишда иш билан бандликнинг умумий қонуниятлари ва тамойилларини ўрганиш, ҳисобга олиш, уларга таяниш, шунга кўра илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Академик Қ.Х.Абдурахмонов “аёллар бандлигини таъминлаш жамиятнинг ёш авлодларида ижобий таъсир ўтказишини, аёллар бандлигини таъминлаш негизида аёлларни ўқитиш, малакасини оширишда рақамли тизимларидан фойдаланиш истиқболлари ҳақида таклифларни келтириб ўтган” [2].

Иқтисодчи олимларимиздан А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовнинг фикрларича, “Аёллар бандлигига қўмаклашиш меҳнат қобилиятига эга бўлган ва меҳнат қилишга иштиёқи бор аёлларни ишга жойлашиб, фойдали меҳнат билан машғул бўлишлари учун шарт-шароит яратиш орқали таъминланиши лозим дея айтиб ўтган[3].

А.Г.Грязнов аёллар бандлигини иш жой билан таъминлаш ва хўжалик фаолиятида иштироки билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тўплами деб атайди. Унинг фикрича, бандлик моддий омиллар ишлаб чиқаришга тааллуқли иқтисодий фаол аҳолини тасвирлайди. Аёллар бандлиги жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчиси сифатида ҳам қараш мумкин, дея таъкидлайди [4].

В.А. Павленковнинг фикрича, аёллар бандлиги инновацион усулларда таъминлаш ИТ технологиялар ёрдамида уларни ўқитишдан бошланиб, биснес соҳасига киришига қўмаклашишигача давом этиши керак деб келтиради[5].

Э.Р.Саруханов томонидан бошқача таъриф берилган. Рақамли иқтисодиёт шароитида аёллар бандлигини таъминлаш уларни мамлакат урф-одатларини ўрганган ҳолда мақбул келадиган ишни топиш керак. Кўп ҳолларда аёллар уйда меҳнат фаолиятини олиб борадилар, бунда уларга давлат томонидан имтиёзлар ажратилиши лозим, дея келтириб ўтади [6].

Л.А. Костиннинг фикрига асослансак, аёллар бандлиги – барча иқтисодий йўналишларда гендер тенглиги орқали амалга оширилиши керак дея айтиб ўтади. Яъни бирор ташкилотда ишнинг турига қараб аёлларни кўпроқ жалб этишни таклиф этади, бу аёллар бандлиги муаммосининг бир қисмига ечим бўлишини келтириб ўтган [7].

Аёллар бандлиги, деб ёзади Е.В. Шуваева, меҳнат муносабатлари тизимининг энг муҳим унсуридир. Жамиятда аёлларнинг ролини мустаҳкамланса, мамлакатда демократик тенглик юзага келади ва меҳнат бозорида иш кучининг таклифи янада ортишини айтиб ўтган[8].

Тадқиқот методологияси. Аёллар бандлигини таъминлаш назарияси бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижий олимларнинг олиб борган илмий ишлари натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга оид фармон ва қарорлари ташкил этади. Тадқиқот жараёнида аёллар иш билан бандлигини оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича мантиқий ва таққослаш таҳлили, тадқиқотни ўрганишга тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, комплекс баҳолаш ва социологик тадқиқот усулларида фойдаланилди. Ижтимоий механизмлар орасида малака даражаси, касбга йўналтириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, демографик омиллар, меҳнат миграцияси ва инновацион иш билан бандлик бўйича тарғибот, касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, иқтисодий фаол аҳоли қатлами орасида аёллар улушини кўпайтириш ишлари сингари кўрсаткичлар асосий ўрин эгаллайди. Бу борада меҳнатни такрор ишлаб чиқариш, айирбошлаш

ва ундан фойдаланиш меҳнат муносабатлари ва меъёрлар тизимини ифодалайди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистонда 2021 йил меҳнатга лаёқатли аҳоли сони - 19 121 минг, банд аҳоли сони - 13 205 минг ташкил этади[9].

Расмий секторда бандлар – 5 673 минг кишини, иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар – 7 531 минг, шу жумладан хорижда ишлаётганлар - 1 912,6 мингни ташкил этади. Жорий йил учинчи чорақда ишсизлик даражаси 11,1 фоизни ташкил этди, 30 ёшгача бўлган ёшлар орасида - 17,1 фоиз, аёллар орасида – 14,7 фоиз. Жорий йилнинг ўтган даврида меҳнат органлари томонидан 513 минг хотин-қизларга бандлик ва меҳнат соҳасидаги хизматлар кўрсатилиб, 125,4 минг нафари доимий ишларга жойлаштирилди.

Ишсиз ва “темир дафтар”га киритилган кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлардан 260,3 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди ва уларнинг иш ҳаққи учун вазирлик ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 270,5 млрд.сўм маблағлар молиялаштириб берилди, 30,8 минг ишсиз хотин-қизларга ишсизлик даврида 15,3 млрд.сўм ишсизлик нафақаси тайинланди[9].

Шунингдек, оғир турмуш шароитида яшаётган 7 706 нафар хотин-қизларнинг 6 822 нафарини (88,5%) бандлиги таъминланди. Жумладан, 180 нафари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида ишга тушаётган корхоналарда яратилаётган иш ўринларига, 1 654 нафари мавжуд корхоналардаги бўш (вакант) иш ўринларига, 186 нафари квота иш ўринларига, 103 нафари хунармандчилик йўналишида, 194 нафари оилавий тадбиркорлик йўналишида, 190 нафари ҳомийлар ҳисобидан шахсий ва ёрдамчи хўжалигида чорвачилик, асаларичилик, қуёнчилик, иссиқхона ва бошқаларни ташкил қилиш ҳисобига, 3 133 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 422 нафари субсидия маблағлари ажратиш орқали ва 760 нафари бошқа йўналишларида бандлиги таъминланди. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш орқали 34,7 минг фуқаролар бандлигига кўмаклашилди, шундан 24,4 минг (70%) хотин-қизларни ташкил этди. Фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қўвватлаш мақсадида меҳнат органларига мурожаат қилган 1,6 минг нафар хотин-қизларга 335 млн.сўм – яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда

суғурта полиси тўлови учун харажатларни қоплаш учун субсидия маблағлари ажратилди[9].

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг 231 нафарига ходимларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш харажатларни қоплаш учун 5,3 млрд.сўм субсидия маблағлари ажратилиб, натижада 2,2 минг хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Шахсий томорқаларда енгил типдаги иссиқхона қурилиши, экин экишга уруғлар ва кўчатлар ҳамда, суғориш воситаларини харид қилган 12,7 минг хотин-қизларга 32,4 млрд.сўм субсидия маблағлари молиялаштириб берилди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотчилик, балиқчилик, қуёнчилик, тикувчилик ва хунарманчилик йўналишлари кооперативлар ташкил этилиб, уларга ишсиз аёллар аъзо сифатида бириктирилмоқда.

Бугунги кунда, 149 та тумандаги 8,7 минг гектар заҳирада фойдаланилмаётган лалми ер майдонда 389 та кооперативлар ташкил этилди ҳамда пудрат шартномаси асосида бириктирилган 6,8 минг хотин-қизларга 15,1 млрд.сўм субсидия маблағлари ажратилди.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар 2020 йил 2 апрель кuni Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди[9].

Бугунги кунга қадар, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда қарийиб 130 нафар хотин-қизлар учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 116 млн. сўм субсидия ажратиш эвазига “Ғоядан бизнес режагача” қисқа ўқув курсларида тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда 2020-2021 йилларда 10 минг нафардан ортиқ хотин-қизларни тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, уларни ўз бизнесларини бошлашига кўмаклашиш орқали бандлиги таъминланди[10].

Ижтимоий механизмлар бандлик тамойили умумий давлат сиёсати ва унинг ҳар бир ташкил этувчисида бандлик стратегиясининг амалга ошириш сифатида кўриб чиқилади ва уни баҳолаш турмуш тарзи шарт-шароитлари, эҳтиёжлари қондирилганлиги даражаси ҳисобланган фаровонлик билан белгиланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар демографик шароитлар, меҳнат шароитлари, иш билан бандлик, меҳнатнинг ташкил этилиши, малака ошириш, инсон эркинликлари сингари фаровонлик унсурларидан иборат тизимни ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан аёллар иш билан бандлигини таъминлашда ижтимоий механизмлар эле-

ментлари шахсий меҳнат салоҳияти эгаларини меҳнат бўйича муносабатлар тизимига бевосита киритиш тамойили асосида тизимлаштирилди. Иқтисодий механизм ташкилий тузилманинг йиғиндиси бўлиб, муайян шакллар ва бошқарув усуллари, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий қонунлар ҳамда ҳуқуқий меъёрлар орқали амалга оширишдир. Меҳнат бозорида иқтисодий фаол аёлларнинг бандлик даражасини ҳисоблаш асосий ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни янада тўлиқроқ ва табақалашган ҳолда таҳлил этиш, меҳнат салоҳиятидан фойдаланишни тартибга солиш имкониятини беради. Бу эса ишсизлик билан курашиш, унинг тузилмавий ва фрикцион турларини қисқартириш, иш билан бандлик дастурида иқтисодиётнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Аёллар иш билан бандлигини оширишда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу йўналишда қишлоқ жойларда аёл ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ишсизлик ўрта ҳисобда жами иқтисодий фаол аҳолининг 9,3 %ни ташкил қилади. Аёллар кесимида эса 13 % кўрсаткич қайд этилган [11]. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда ўртача 1 млн атрофида ишсиз аёл бор дегани.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодиётни ривожлантириш замонавий тенденцияларининг энг муҳим макро иқтисодий хусусияти сифатида аёллар иш билан бандлигини давлат томонидан тартибга солиш чоралари ва воситаларини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Аёллар иш билан бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига жалб этиш учун меҳнат бозорини тартибга солишнинг назарий, методо-логик асосларини ишлаб чиқиш, таркибий ўзгаришларнинг аёллар иш билан бандлигига таъсирини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Меҳнат бозорини тартибга солиш аёл ишчи кучининг ижтимоий-руҳий, иқтисодий-молиявий, ташкилий, демографик тавсифларини ҳисобга олувчи фаолият соҳаларига йўналтириш билан белгиланади. Аёлларни иш билан таъминлашдаги асосий тўсиқлар ижтимоий-руҳий, иқтисодий-молиявий, ташкилий, демографик турларга бўлиниб, унда оилавий юмушлар, фарзандлар тарбияси, касбий малака даражаси, ижтимоий инфратузилма соҳаларининг ривожланиши ва демографик ўзига хослик натижасида келиб чиқувчи бир қатор муаммолар, уларнинг ечими бевосита аёллар меҳнат бозорини тартибга солиш устуворликлари, бошқарув, таш-

килий ва моддий рағбатлантиришлар ҳар томонлама ислоҳотларни амалга оширишга таянади. Аёллар иш билан бандлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири касаначиликни ривожлантириш ҳисобланади. Касаначиликнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бу оилавий ўзаро муносабатларга асосланади ва бунда, асосан, аёллар иштирок этади. Бу иш кўпинча уйда бажарилгани учун аёлларга мақбул ҳисобланади.

Аёллар учун касаначилик меҳнатининг асосий модели жараёнини 4 та асосий босқичга бўлиш асосида аёллар иш билан бандлигини ошириш самарали механизмларининг мақбул элементлари илгари сурилади:

-биринчи босқичда касаначилик меҳнати-га талаб билан унинг таклифини тартибга солиш назарий моделини яратишнинг муаммолари ва мақсади аниқланади, ҳал қилиниши мураккаб бўлган асосий муаммолар жумласига аёл ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақида ишончли ахборотномаларнинг етишмаслиги сабаб бўлиб, бу муаммо чуқур таҳлил этилади;

-иккинчи босқичда касаначилар билан корхоналар ўртасида иқтисодий ҳамкорлик, корхоналар буюртмаларини уй шароитида бажариш истагини билдирувчи аёлларни аниқлашга доир ахборотлар тўпланади ва таҳлил қилинади. Ахборотларни таҳлил қилишда корреляцион-регрессион таҳлил, имитацион ва мақсадли дастурлаш услублари кенг қўлланилиб, эконометрик модел ишлаб чиқилади;

-учинчи босқичда моделнинг математик-иқтисодий таҳлилининг ўтказиш ҳамда уни тартибга солиш учун зарур бўлган статистик ахборотлар тайёрланади, бирламчи ва иккиламчи ахборотлар йиғиш, ички ва ташқи манбалар ҳисобига ташкил топади;

-тўртинчи босқичда касаначилик меҳнати моделини ечиш ёрдамида миқдор натижалари таҳлил этилади. Бунда касаначилик меҳнатини тартибга солишнинг самарадорлиги тўғрисида хулосалар чиқарилади, аввалги босқичларда олинган барча ахборотлардан фойдаланган ҳолда амалий натижалар жорий этилади. Бир қатор олимлар томонидан ишлаб чиқилган социологик тадқиқот ахборотлари услубияти тадқиқот ишида қишлоқ жойларни демографик ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан танишиш босқичини асослаш орқали такомиллаштирилган[12].

Бундан ташқари, БМТнинг «Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари-га барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясида ҳам қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аёллар дуч келадиган қуйидаги алоҳида муаммоларга катта эътибор қаратилган. Конвенциянинг 14-моддасига биноан, иштирокчи давлатлар «қишлоқ жойларида аёлларга нисбатан кам-

ситишларга барҳам бериш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни кўришлари, чунончи, уларнинг расмий ва норасмий таълим олиш ҳамда тайёргарликдан ўтишнинг барча турларига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаши, ёлланиб ишлаш ёки мустақил меҳнат фаолияти орқали тенг иқтисодий имкониятларга эга бўлиши, шунингдек, жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этишларини таъминлаши керак» [13].

Фикримизча, аёллар иш билан бандлиги, айниқса, қишлоқ жойларида ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади ва бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, ўзига хос тадқиқотни талаб қилади. Уни тадқиқ қилишда иш билан бандликнинг умумий қонуниятлари, тамойилларини ўрганиш, ҳисобга олиш ҳамда уларга таяниш мақсадга мувофиқдир. Аёллар самарали иш билан бандлиги тадқиқоти мазкур тушунчанинг асосий вазифаларини ҳам аниқлашга имкон беради:

-иқтисодиёт ҳамда меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ аёллари ишчи кучига талаб ва таклиф ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;

-меҳнатга доир муносабатлар ёрдамида қишлоқ аёллари ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва қишлоқ инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш орқали қишлоқ аёллари орасида ишсизлик даражасини камайтириш;

-меҳнатга лаёқатлилар орасида меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат томонидан берилаётган имтиёз ва янгиликлар тўғрисида тарғибот ишларини кучайтириш.

Оилавий тадбиркорлик аёллар иш билан бандлигини иқтисодий тартибга солишда мақбул фаолиятлардан биридир. Аёллар орасида касаначилик меҳнатидаги вақтдан унумли фойдаланиш имконияти, яъни ишчининг уйда ўзи истаган вақтда ишлаши мумкинлиги, ишхонага бориб келиш учун кетадиган вақтни тежаши, уйдаги қўшимча ишчи кучи имкониятларидан фойдалана олиши, айна пайтда уй-рўзғор ишларини назорат қилиб туриши каби жиҳатлар меҳнатни ташкил этишнинг мазкур шаклига нисбатан қизиқишни кучайтиради.

Аёллар ўртасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир[12]:

-солиқ тўлаш тизими, инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий турларини тарғиб қилиш;

-ўз-ўзини банд қилишнинг усулларини жорий қилиш орқали аёллар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларини кўпайтириш;

-кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни микроолиялаштириш учун ижтимоий инвестициялар жамғармаларидан фойдаланиш;

-оилавий тадбиркорликка иқтисодий шेरликчилик шаклини қўллаш орқали бир нечта оиланинг ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш имкониятларидан фойдаланиш.

Олиб борилаётган тадқиқотлар давомида Россия, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия сингари давлатларда аёллар иш билан бандлигининг замонавий меҳнат муносабатлари тадқиқ қилинди. Жанубий Кореяда «Иш билан бандликнинг масофавий меҳнат тури (telework) виртуал муносабат бўлиб, иш берувчи ва ходим ўртасида қисқа муддатли ишга ёллашнинг самарадорлигини ифодалайди, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи хотин-қизларнинг 32,2% айнан мазкур хизмат тури билан шуғулланади»[14].

Кейинги йилларда мазкур давлатларда замонавий меҳнат муносабатларининг мослашувчан янги шакллари жорий этилмоқда, жумладан, масофавий меҳнат, фриланс, аутсорсинг, аутстаффинг каби.

Хулоса ва таклифлар. Фикримизча, ривожланган давлатлар тажрибаси ва меҳнат муносабатларини кенг тадқиқ қилиш ҳамда амалиётда қўллаш иш билан самарали бандликни таъминлашга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларига асосланиб, аёллар иш билан бандлигини таъминлаш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Унда бош мақсад сифатида аёллар иш билан бандлигини таъминлаш бўйича асосланган ташкилий тадбирлар ишлаб чиқиш, меҳнат соҳасида гендер тенгликка эришиш бўлиб, меҳнатга лаёқатли аёлларнинг оқилона иш билан бандлигини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Жумладан, биринчидан, иш билан бандлик хизматининг жадал ва тез ривожланувчи тизимини яратиш, аёллар иш билан бандлигини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

иккинчидан, Ҳаракатлар стратегияси талабларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аёлларни меҳнат муносабатларининг янги шаклларига йўналтириш;

учинчидан, иш билан бандликни таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш стратегиясини амалда қўллаш ва унинг истиқболли йўналишларини асослаш. Мазкур концепцияни татбиқ этишда иш билан бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда эскирган иш услубларидан воз кечиш, илк бор меҳнат бозорига кириб келаётган ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилишини рағбатлантириш ва кўмаклашишда ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлашга эътиборни кучайтириш керак.

Олиб борилаётган ишлар жамиятимизда аёлларнинг ролини ошириш уларни ишбилармонлик ва тадбиркорликка ўргатиш, оилавий бизнесни ривожлантириш натижасида аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш масаларига қаратилгандир.

Қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларининг қуйидаги замонавий шаклларини яратиш лозим:

-худудларда, кичик бизнес корхоналари ва оилавий тадбиркорлик объектларида имтиёзли кредитлар ҳисобидан қишлоқ аёллари учун янги иш ўринлари яратиш;

-қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ҳамда касаначилиқда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш бўйича қишлоқ аёллари учун янги иншоотларни хорижий инвестициялар ҳисобидан қуриш;

-аёллар меҳнатини оилавий тадбиркорлик маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигини деҳқончилик ва томорқа хўжалиги бўйича йўлга қўйиш;

-қишлоқ аёлларининг ишсизлик нафақасини энг кам истеъмол саватчаси миқдорига тенглаштириш;

-иш билан банд қишлоқ аёлларининг иш ҳақини ягона мажбурий суғурта тўловларидан озод этиш;

-иш билан банд бўлган аёлларни қўллаб-қувватлашда имтиёзли ёндашувларни қўллаш;

-қишлоқ жойларида аёллар орасида яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мулкка эгаллик ҳиссини кучайтириш;

-касаначиликни ривожлантириш асосида янги иш жойлари барпо этиш ва бунда аёлларнинг замонавий соҳаларни ўзлаштиришларига имкониятлар яратиш.

Қишлоқ жойларида аёллар иш билан бандлигининг истиқболли йўналиши сифатида оилавий бизнесни инновацион тадбиркорлик асосида ташкил этишга эришиш, қишлоқ ва маҳаллалар ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда, мини-кластерлар фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали эса меҳнатга лаёқатли ёш ва кўп фарзандли аёллар фаолиятини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, оилавий тадбиркорлик асосида кўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини оширишга эришилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Очилова Г.О. Рақамли иқтисодиёт шароитида оилавий бизнес ва тадбиркорликда гендер муносабатларни ўрганилиши. – Т., 2021й. - 394 б.
2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. – Т.: Меҳнат. - 2020. -512 б.
3. О'ltmasov A., Vahobov A. Iqtisodiyot nazariyasi.Darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014.- 424 б.
4. Экономическая теория национальной экономики и мирового хозяйства (политэкономия): учебное пособие. / под общ. ред. А. Г. Грязнова. – М., 1997.
5. Павленков В.А. Рынок труда. Занятость. Безработица. – М.: МГУ, 2004.- 584 с.
6. Саруханов Э.Р. Проблемы занятости в период перехода к рынку. – СПб.: СПбУ. ЭФ, 2001.-254 с.
7. Костин Л.А., Зуцина Г.М., Султанова Р.М. Рынок труда и теория занятости: учебное пособие. – М.: АТиСО, 1997.- 424 с.
8. Шуваева Е. В. Занятость как важнейший элемент трудовых отношений. // Актуальные вопросы экономических наук : Материалы международ. науч. конф. — Уфа : Лето, 2011.
9. <https://mehnat.uz/uz/article/bandlik>
10. <https://mehnat.uz/uz/news/aellarni-ish-bilan-taminlash-tadbirkorlikka-zhalb-etishda-davlat-tashkilotlari-bilan-hamkorlikning-ahamiyati-va-istiqbollari>
11. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари [Электрон манба]. – Кириш режими: <http://www.lex.uz/>.
12. Бобоназарова Ж.Х., Шукурова М. “Аёллар иш билан бандлигини таъминлашда истиқболли йўналишлар” Илм-фан ва инновацион ривожланиш / 2020 Но 4. 52б.
13. Женщины в сфере труда. Тенденции // Резюме. –М., 2016. –45 с.
14. Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий сайти [Electronic resource]. –Access mode: <http://www.ilo.org/>.